



Ishonch

Хошият
 Ҳар бир одам нимадир бажармоқ учун дунёга келади. Ер юзида яшаб юрган ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор.
 Э. ХЕМИНГУЭЙ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси нашри

Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаған

Мустақилликнинг 19 йиллиги арафасида


Янги линия ишга туширилди

Марғилон шаҳридаги «Orcha ev textil» хорижий корхонасида йилгига саккиз миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга янги линия ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларининг изчил олиб борилаётгани ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини ҳамда аҳолининг бандлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

«Orcha ev textil» корхонаси харидоригр маҳсулотлари билан иқтисодий самарадорликка эришиб келмоқда. Бу ерда тайёрланаётган чойшаб, сочиқ, дастурхон сингари юздан ортиқ турдаги маҳсулотлар Хитой, Россия, Япония, Италия, Польша, Туркия каби давлатларга экспорт қилинади.

Корхонада 250 киши доимий иш билан таъминланган.



Суратларда: ишчи Дилобар Маликова; ишчилар Ахмадали Зоҳидов, Фазлиддин Жўрабоев ва Шоқир Зул-Фиев иш пайтида.

Ўза парваришида зарбдор 90 кунлик давом этмоқда

Дала айланиб юрган Алижон Саломов шода-шода кўсақларга боқиб кўзлари қувнайди. Саралаб ҳосил нишонларини санайди. Вақтида ўтказилган чилпишнинг самараси бу. Пайкалларнинг биридан иккинчисига ўтаркан, ерни экишга тайёрлашдан бошлаб ҳозиргача ўтган давр мобайнида чеккан машаққатларини кўз унгидан ўтказмади.

Шога-шога кўсақлар

баракали ҳосилдан нишона

Бугун Алижон Саломов ва у бошқараётган Қоравулбозор туманидаги «Аҳад Салом» фермер хўжалиги аъзолари учун масъулиятли дамлар кечмоқда. Чўл гармсели тез-тез хуруж қилиб турибди. Салгина бўша-шувчанлик ёки лоқайдлик йил бўйи қилинган меҳнат ва орзуниятларни саробга айлантириши ҳеч гапмас. Жамоа аъзолари ушбу ҳолатнинг ижобий ва салбий жиҳатларини пухта ўрганган ҳолда иш кўрмоқдалар. Бошқача айтганда, уларнинг барчаси далага кўчиб чиққан.

Асосий масъулиятни механизатор ва сувчилар ўз зиммасига олишган. Техника жилвдорлари Фахриддин Каримов тонг отиши билан агрегатини пахтазорга бошлаб, қатор оралирига ишлов беради. Қўннинг жазирасида дала шийпонидан бироз тин олади ва ҳаво ҳарорати пасайиши билан оқшомгача фаолиятини давом эттиради. Сувчилар Қобил Маҳмудов ва Илҳом Абдуллаевлар ҳар гектар майдонни «шарбат» усулида сугоришмоқда. Об-ҳаётнинг ҳар қатрасидан самарали фойдаланишга эришиш учун ушбу тадбирни улар кўпинча тунда амалга оширишапти.

Ўза парваришида давом этаётган зарбдор 90 кунликнинг ҳар соати самарали ўтаётгани боис бугун чўл шароитидаги мавжуд 52,6 гектардаги ғўзаларнинг ҳар тупида 10-12 тадан тўқ кўсақ ва сон-саносиз ҳосил нишонларини кўриш мумкин. Мақсад эса август ойида шода-шода кўсақлар сонини янада оширишга, қуздаги хирмоннинг баракали бўлишини таъминлашга қаратилган.

— Жамоамиздаги 16 нафар аъзоннинг ҳар бирини фидойи инсон десак, хато бўлмайди, — дейди фермер А.Саломов. — Ана шундай мўл-кўлчилик бўндорлари учун қўл меҳнат, яхши дам олиш шароитла-

Изагулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Курултойдан курултойгача

Вазифалар белгилаб олинди

ЎзКУФКнинг ўқув марказида Ўзбекистон маданият ходимлари қасаба уюшмасининг V курултойи бўлиб ўтди.

Марказий Кенгашининг беш йиллик фаолияти тўғрисида Кенгаш раёсати аъзоси С.Раҳимов маъруза қилди. Шунингдек, тафтиш комиссиясининг фаолияти бўйича комиссия раисининг ўринбосари Наила Никонованинг ахбороти тингланди.

Музокараларда сўзга чиққан Ўзбекистон маданият ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакили Рисолат Ниёзова, Сурхондарё вилоятидаги вакили Шуҳрат Саъдуллаев, Наманган санъат коллежи директори Нортожи Юсупова, «Шарқ» НМАК қасаба уюшма кўмитаси раиси Фуломжон Жаҳимов, «Ўзбекино» миллий агентлигининг Бош директори Аъзам Исҳоқов, Хивадаги «Ичан-Қалъа» музейи кўриқхонаси бўлими мудири Комилжон Худойбергандов, Қўнчириқ туман марказий маданият уйи бўлими мудири Робия Умарова, Жиззах вилоят халқ иходиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази раҳбари Содик Лутфуллаев фаолият юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон маданият ходимлари қасаба уюшмасининг Янги тахрирдаги устави, тармоқ тафтиш комиссиясининг Низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон маданият ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси этиб Малика Жалилова қайта сайланди.

Курултой ишида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Н. Аллаёров иштирок этди ва тармоқ қасаба уюшмалари олдига турган вазифаларга эътиборни қаратди.

Назира БОЙМУРОВА

Конференциядан конференциягача

Эзгуликка хизмат

Қашқадарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг V конференциясида кенгаш раиси Эсонбой Ражабовнинг ҳисоботи тингланди.

Бирлашма ўз атрофида 2893 та ташкилотда меҳнат қилаётган 590 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган. Ҳисобот маърузасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, иш жойларида хавфсиз меҳнат шароити яратиш, ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш, маънавий-маърифий тадбирлар, иш бевучи ва қасабақўм ўртасидаги ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида атрафлича тўхтаб ўтилди.

Музокарада сўзга чиққан «Шўртанфелтз» унитар шўба корхонаси бошлиғи Илҳом Норчаев, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили

Боймурод Мейлиев, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили Жумакул Қурбонов ва бошқалар ҳисобот давридаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Конференцияда ташкилий масала кўрилиб, Эсонбой Ражабов яна бирлашма кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова қатнашди ва истиқболдаги вазифалар ҳақида гапирди.

Ўз муҳбиримиз (Курултой ва конференция ҳақидаги материаллар газетанинг 2-3-бетларида берилмоқда).

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Барчага маълум ва маъруфдир-ким, ҳар қандай ишда ўртамаъналик, мўътадиллик ва меъёр ҳамиш маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар ақлан ва шаръан қораланиб, улардан қайтарилган.

Тарихга назар солсак, тўйлар ва маросимлар ҳақида турли даврларда ҳар хил фикрлар айтилган. Албатта, ҳар бир даврнинг ўз тошу тазоиси бор. Истиқлол деган тогли неъматга эришган хозирги даврда бундай маросимларни тартибли, ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Яратганга минг шукрим, халқимиз болажон, сарфарзанд. Бу дегани сиртўйлик эмасми? Шу боисдан юртимизнинг ҳар бир гўшасида кунда бир неча тўй, хайри тadbир ва маъракалар ўтади. Аллоҳ таоло диёримиздан кут-баракани кўтармасин. Тўйга тўйлар уланаверсин.

Маҳалла фаоллари, оқсоқоллари, тўй ва маросим ўтказиш ҳайъати аъзолари ҳар бир оиланинг иқтисодий имкониятларини инобатга олган ҳолда жойларда тўй ва бошқа маросимларининг ихчам ўтказилишига эътибор бермоқдалар. Лекин ҳамма жойда ҳам бу нарса бир хил деб бўлмайди. Бугунги кунда оз бўлса-да юртимизда исрофгарчиликка йўл қўяётган фуқароларимиз борлиги ҳам сезилиб қолмоқда. Бундай иллатлар на динимиз, на турмуш тарзимизга мос келади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан чиқарилган «Тўй, маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида»ги Фатвода таъкид-

ланганидек, катта-катта харажатлар эвазига амалга ошириладиган маърака-маросимлар ўрнига муҳтож ва ночор оилаларга, Меҳрибонлик уйларига ёки ободончилик ишлари-га моддий ёрдам кўрсатиш афзал-

қиламан деб, бола-чақанинг ризқини қийиш — бу айни хатодир. Борди-ю, мен маҳалла, юрт ошини еганман, маҳаллага ош бермасликка номуслиқламан, деб бошқалардан қарз олиб ёки олмасдан ҳам эҳсон

Исрофдан сақланайлик

ёки эл қалбидаги муддао

дир. Шунингдек, мазкур фатвода турли тўйолди, тўй ва тўйдан кейинги дабдабали, серхашам тадбирлар қисқартирилиб, қолганларини ҳам ихчам тарзда жойлардаги маҳалла фаоллари ва хотин-қизлар кўмитаси ҳайъати аъзолари билан келишилган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги айтилган.

Шуни яхши билишимиз керакки, хайр-эҳсон қилиш бу бир мустаҳаб амал бўлганлиги сабабли, уни диний таълимотларга мувофиқ ҳолда ўтказиш керак. Акс ҳолда, ажру савобдан маҳрум бўлинади. Аммо, аҳли аёл нафақаси фарз амаллардан ҳисобланади. Шунинг учун тўй

қиладиган бўлса, бу гуноҳорликнинг ўзгинасидир.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан чиқарилган «Мусибат этган хондон аҳлига таъзия билдириш ва баъзи маросимлар одоби ҳақида»ги Фатвода кўрсатилишича, мусибатхоналарда пайшанбалик ва яқшанбалик номи билан қилинаётган эҳсон маросимлари ҳеч бир диний китобларимизда буюрилмаган. Мусибат этган хондонда муайян кунга боғламасдан ҳамда оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда бирор марта эҳсон тарзида маросим қилиб ўтказилса, кифоя қилур. Айрим фуқароларимиз яқин

мақбул ишларданур.

Лекин таъзия учун узокдан келган меҳмонлар ва мусибат эгалари учун қўшниларнинг таом тақдим этишлари мустаҳаб амаллардан саналади.

Аллоҳ бизларни Қуръони каримда: «Исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир», — деб огоҳлантирган (Исро, 27). Шунингдек, ўзи яхши кўрган бандаларининг сифатини баён қилганда, шулар орасида исрофгарчиликка йўл қўймайдиган кишиларни ҳам эзир қилиб ўтган. «Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (балки эҳсонлари)

агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир» (Иброҳим, 7). Шу билан Аллоҳнинг ушбу этган чексиз нозу неъматларининг шукрсаноини бажо келтириб юришликка, зинҳор ношукрлик қилмасликка буюради.

Эътиқодимиз бўйича, инсон ўзининг намоз, рўза, ҳаж, хайру садақа, Қуръон тиловати ва бошқа амалларнинг савобини майитларга бағишласа, албатта, савоби етади. Шунга қўра, марҳумларга савобини бағишлаш мақсадида хоҳлаган

вақтда ўзининг иқтисодий имкониятига қараб, фақир ва мискинларга эҳсон дастурхонини ёзишлик жоиз. Савоби яна ҳам улуг бўлишлиги ҳамда келган меҳмонлар руҳий ва маънавий озуқа олишлари учун бундай эҳсонларни енгил ва ихчам тарзда амри маъруф шаклида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада Жаноб Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз муборак ҳадисларида кўпдан-кўп тавсияларни баён қилиб берганлар. Масалан, «Эй умматларим, енгилар, ичинглар, садақа-эҳсон қилинглр, лекин уларга исроф ва такаббурлик аралашмасин». Узимизни Аллоҳнинг бандалари ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматлари деб билсак, юқоридagi оят ва ҳадисларга амал қилган ҳолда исрофгарчиликнинг барча кўринишдаги турларига чек қўйишимиз лозим. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Хоҳ бойликда, хоҳ фақирликда, хоҳ ибодатда бўлсин, ўртаққ бўлишлик қандай ҳам чиройли!» — десалар, иккинчи бир ҳадисда эса: «Тадбиркорлик тирикчиликнинг ярим илмига тенгдир», — деганлар.

Тадбир — ақл-идрок, билим ва тажрибага суянган ҳолда тўғри иш юритиш демак. Инсон тадбиркорлиги натижасида ўзи, оиласи, қариндошлари, ҳатто жамиятнинг келажак сари ҳаётий режаларини пухта белгилаши мумкин.

Иқтисодий соҳада эса тадбиркорлик, бу — беҳуда исрофгарчиликдан сақланиш, сарфу харажатларни камайтириб, тежамкорлик қоидаларига риоя этишдир.

(Давоми 4-бетда)

Касаба уюшмалари

Жамоа шартномаси мукамал бўлса...

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда ижтимоий шерикчилик, музокара ва ўзаро хурмат тамойилларига асосланган ҳолда иш юритиб келмоқдамиз. Ҳозир тармоқда 2008-2010 йилларга мўлжалланган учта вазирлик билан тузилган тармоқ келишувлари, 27 та вилоят тармоқ келишуви ҳамда 921 та жамоа шартномаси тузилган.

Айни кунда тармоқ касаба уюшмаларига қабул қилинган корхона ва ташкилотларнинг 74,5 фоизда жамоа шартно-

лар киритилмаган.

Жамоа шартномасига киритилиб, бугунги кунда бажарилиши тўлиқ таъминланмасдан қолаётган бандлардан бири — ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашдир. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайди.

Ушбу камчиликларни бартавраф этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўлашишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Федерация кенгаши томонидан ишлаб чиқилган



Сарҳисоб ва янги режалар

малари тузилишига эришилган. Уларга жалб этилган 75784 нафар касаба уюшма аъзоси қорунларда назарда тутилган қўшимча имтиёزلардан фойдаланмоқда.

2009 йилда 921 та жамоа шартномасига ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма кўмитасининг розилигини олиш тартиби киритилди. Шунингдек, асосий меҳнат таътиллари узайтирилди. Уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган 33 нафар ходимга 9,6 млн. сўмлик фойсиз ссудалар ажратилди. 834 нафар аёлнинг туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътил кунлари узайтирилди. 23 нафар талаба-ўқувчи учун касаба уюшмасининг устама стипендияси тайинланди.

Бу каби рақамлар билан ижобий ишлар саногини яна давом эттириш мумкин. Бироқ айрим муаммолар борки, улар ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Хусусан, жойларда қабул қилинган жамоа шартномалари ва келишувларнинг ҳаммаси ҳам ходимлар манфаатини тўлиқ акс эттирмаяпти деб бўлмайди. Айрим ҳолларда улар тушунарсиз ва ҳеч қандай иловависиз тузилмоқда.

Ҳаммаизга маълумки, жамоа шартномаси ходимлар билан иш берувчининг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солишга ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларни мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади. Бироқ айрим қорхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларига қўшимча имтиёз-

«Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича намунавий ҳаракат тартиби»дан самарали фойдаланилмоқда.

Ҳуқуқий саводхон кадр — давр талаби

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан 2006 йилнинг августда касаба уюшма ташкилотларида юридик хизматни тўғри йўлга қўйиш мақсадида Низом қабул қилинган эди. Ушбу Низомга биноан касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртли ва коллежларда «Савол бериш — жавоб берамиз», «Сиз касаба уюшма аъзоси бўлсангиз» мавзуларида ҳуқуқшунослар билан жонли мулоқотлар ўтказиш аънанаси шакллантирилди.

Шунингдек, вилоят вакилликларини ҳокимликлар, суд, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, туман ва шаҳар «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда очик мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Ходимлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда муносабатлар билан ишлаш, уларни қонуний ўрганиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳисобот даврида Марказий кенгаш ва вилоят вакилликларига 3091 та, улардан 787 таси ёзма ва 2304 таси оғзаки муносабат келиб тушган. Қувонарлиси, уларнинг деярли

барчаси ижобий ҳал этилган. Шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фуқаролик судларида иштирок этган вакиллар ундан зиёд ходим ҳуқуқини ҳимоя қилишди.

Соғлом ходим — соғлом жамоа дегани

Ҳаммага маълум, соғлом ходимга жамоасига наф келтиришга қодир бўлади. Шунингдек, тугатган ҳолда ходимлар саломатлигига ҳам қатъий таъбир қаратилади. Соҳада ягона ижтимоий тўлов маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга, меҳнатқашлар ва улар оила аъзоларининг саломатлигини муҳофаза этишга алоҳида аҳамият берилиб, санаторий-курортларда 3564 киши, санаторий-профилакторийларда 170 киши соғломлаштирилди.

Меҳнат жамоалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлилари, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар, миллий аънаналаримиз, урф-одатларимизни тарғиб қилувчи учрашувлар, интеллектуал ўйинлар, кўрик-танловлар, «Ўзбекистон, сени қўлайман» санъат фестиваллари ходимларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан яна бири — меҳнатқашлар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга жалб этиш, турли мусобақаларни ташкил этишдан иборат. Ўтган беш йил давомида 18 та

тармоқ спартакиадаси ўтказилиб, уларда 44 мингдан ортиқ ишчи-ҳодим иштирок этди.

Юксакликни кўзлаб

Юртбошимиз ташаббуси билан соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, ёшларнинг ўз ихтидор ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган шахс этиб вояга етказиш мақсадида жорий йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди. Ҳукуматимиз ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотларининг шу йилга мўлжалланган Дастур тадбирлари ишлаб чиқилди. Дастурларда белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида барча давлат ва жамоат ташкилотларида тегишли вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши доирасида ўтказилаётган тадбирларда касаба уюшмалари фаол қатнашмоқда ва куйдаги жиҳатларга асосий эътибор қаратилмоқда:

- қорхона-ташкитол, муассасаларга қарашли бўлган, касаба уюшмалари томонидан фаолиятини таъминлаш белгиланган маданият муассасалари ва кутубхоналар иши жонлантирилмоқда, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда;
- меҳнатқашлар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида қилиш, уларни оммавий спортга жалб этиш, турли мусобақаларни ташкил этишдан иборат.

турларига кўпроқ жалб этилмоқда;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан қишлоқдаги мураббийлар, айниқса, аёл мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш чоралари қўрилмоқда;

— барча меҳнат жамоаларида спорт ишлари ташкиллаштирилиб, унинг оммавийлигини оширишда асосий пойдевор ҳисобланган жисмоний тарбия ва спорт жамоалари барча қорхона-ташкитолларда тузилапти;

— ёшлар ўртасида интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган, миллий аънаналаримиз, урф-одатларимизни тарғиб қилувчи тадбирлар сони ва сифати янада оширилапти;

— меҳнатқашлар, айниқса, ёшлар ўртасида ақидапарастлик, турли экстремистик гуруҳлар ташкирига берилиб кетиш ҳолларининг олдини олиш, уларни ҳушёрликка, оғоҳликка даъват этиш борасида доимий равишда тарғиб-ташвиқот ишлари олиб борилапти.

Бунинг учун касаба уюшма ташкилотлари маҳаллий ҳокимлик, ҳуқуқ-тартиб органлари, хотин-қизлар кўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят, шаҳар, туман бўлиmlари кенгашлари, «Маҳалла» жамғармаси каби давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўз муҳбиримиз

Улуғ маслак йўлида

Тармоғимизда «маданиятнинг энг муҳим бойлиги — тўла ишга солинмаган ноёб кадрлар салоҳияти» қондасига амал қилинади, десак муболага бўлмас. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёшлар билан ишлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш Марказий кенгашнинг ўз олдида қўйган асосий вазифаларидандир. Бу борада қатор ишлар амалга оширилиб, келажакимиз пойдевори бўлган ёш авлодга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тизимда мавжуд тўққиз юздан ортиқ қўйи ташкилотлар томонидан 300 нафар кам таъминланган, кўп болали оилалар, кўмакка муҳтож ёшлар ҳамда ногиронларга моддий ҳамда маънавий кўмак берилди. Мазкур мақсад йўлида 9 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 30 нафар ёш онага 900 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Тармоқ қорхона ва ташкилотларига алоқадор оила фарзандлари учун ўқув қуроллари ва дарслиқлар харид қилиш ҳомилири томонидан амалга оширилмоқда. Иқтисодий ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Марказий кенгашнинг Самарқанд вилояти вакилиги томонидан 2007 йилдан буюн ўрта махсус ўқув юртлири талабалари учун доимий равишда устама стипендиялар бериб келинмоқда.

«Баркамол авлод йили»га бағишлаб март ойда ёш ва иқтисодий режиссёрларнинг III Республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Унда 11 нафар режиссёр голиб деб топилди. Марказий кенгашнинг фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.



Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида Тошкент шаҳар кенгаши томонидан мини-футбол бўйича мусобақа ташкил этилди. Бундан ташқари, Марказий кенгаш ҳамда шаҳар кенгаши ҳамкорликда ўқув муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 150 нафарига қадимий Самарқанднинг тарихий обидалари бўйлаб саёҳат қилиш имконини яратиб беришди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу тадбирлар фаолиятимизнинг бир қирраси ҳолос. Бу ишларни янада кўчурроқ, ҳар томонлама юксалтириш учун олдимизга қўйган мақсадларимиз талайгина.

Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Бундан кейин ҳам келажакимиз бунёдкорларини ҳар тарафлама ҳимоя этишда ҳам имконият ва эътиборимизни ишга соламыз.

Саида ШАРИПОВА,

Марказий кенгашнинг меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси

Спорт — соғлиқ гарови. Мазкур қондан унутмаган инсоннинг танаси соғлом, руҳи тетик бўлади. Бу эса ўз-ўзидан иш унумдорлигини оширишга хизмат этади.



Муваффақият

соғлом, руҳан тетик ходимларга боғлиқ

Шуни инобатга олиб, спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор беришмоқда. 2005 йилдан бошлаб бу борадаги ишлар анча жонлантирилди. Мини-футбол, волейбол, армрестлинг, стол тенниси, шахмат, шашка бўйича спартакиада, мусобақалар ўтказилди. Мазкур тадбирларда матбаа қорхоналари, ўқув муассасалари иштирок эттишди. Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари иштирокчида олийгоҳларро ва ички мусобақалар ўтказилди.

Ҳисобот даврида касаба уюшма шаҳар кенгаши қураш бўйича тўртта, мини-футбол бўйича бешта аънаъний шаҳар турнири, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишланган иккита аёллар спартакиадасида иштирок этди.

Шаҳар кенгаши томонидан «Алпомиш» ва «Барчиной» меъёрларини топириш бўйича олий ўқув юртлири ўртасида спартакиада, ЖТС шаҳар кенгаши билан биргаликда ёшлар ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси, Олимпия заҳиралари Республика коллежи ўқувчилари ўртасида сузuish бўйича спартакиада, «Морж» хайрия

жисмоний тарбия соғломлаштириш жамияти негизида тармоқ касаба уюшма аъзолари ўртасида мусобақалар ўтказилди.

Ҳар йили «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодиёт ўйи раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси Мустақиллик байрами арафасида ўз ишчилари ўртасида мини-футбол, шашка, шахмат, стол тенниси бўйича спартакиада ўтказмоқда. Мазкур тадбирларни ўтказиш, спорт жиҳозларини харид қилиш мақсадида 8 млн. 533 минг сўм сарфланди. Умуман ҳисобот даврида тармоқда жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларига 38 млн. 347 минг 300 сўм сарфланди.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш нафақат саломатлик, балки жамоадаги тотувлик, аҳилликни мустаҳкамлаш учун ҳам хизмат этади. Шунинг учун ҳам тармоқнинг галдаги режаларида спорт-соғломлаштириш ишлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Саидхўжа АЛИМХўЖАЕВ, Марказий кенгашнинг шаҳар вакили

Бир сафда

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар кун сайин яхши самара бераётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу жараёнда касаба уюшмаларининг ҳам муҳим ўрни бор.

Вакилликимиз таркибиде 63 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолар сони 5333 нафарни ташкил этади. Ўтган ҳисобот даврига назар ташлайдиган бўлсак, биргина 2004 йилда тармоқ бўйича 69 та жамоа шартномаси қабул қилинган бўлса, 2010 йилнинг шу кунига қадар бу кўрсаткич 122 тани ташкил этди. Жамоа тадбирларининг бажарилиши учун эса ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 70162 сўмдан маблағ сарфланмоқда.

Меҳнатқашлар ижтимоий, иқтисодий ҳимоясини ишидир. Ўтган даврда вилоят вакилиги томонидан 193 та санаторийга йўланма берилди. Бунга жами 376 млн. 95 минг сўм маблағ сарфланди.

Касаба уюшма аъзоларининг маънавий-маърифий савиясини янада ошириш, уларни спорт тадбирларига жалб этиш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Вакилликнинг 3 босқичли спартакиада мусобақалари, вилоят миқёсида аёллар эстафеталари ўтказилди. Ушбу тадбирларга ажратилган маблағ 197 млн. 23 минг сўмни ташкил этади.

Мурожаатларга тўхталадиган бўлсак, меҳнатқашлардан тушган 43 та ёзма, 73 та оғзаки арıza ва шикоятлар қонун талаблари асосида қўриб чиқилиб, 106 таси ижобий ҳал этилди. Уларнинг асосий қисми меҳнат муносабатлари, ноконуний ишдан бўшатилганлик, иш ҳақи ва бошқа тўловларни вақтида ололмаётганлик ҳамда йўланмалар билан боғлиқ аризалардир.

Ўтган давр мобайнида 16 та нодавлат секторда янги бошланғич ташкилот тузилди ва касаба уюшма сафига 273 нафар аъзо жалб этилишига эришилди.

Умуман олганда, тармоқ касаба уюшмасининг барча бўғинлари «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» шиори остида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларни ҳимоя қилишдек олижаноб амаллар учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда. Биз ҳам шу сафда эканлигимиздан фахрланамиз.

Рисолат НИЁЗОВА, Марказий кенгашнинг Андижон вилояти вакили

Бундан ўн-ўн икки йил аввал жамоа шартномасининг мазмун-моҳияти, уни тузиш қондалари тўғрисида наинки иш берувчилар, балки кўпчилик фаолларимиз ҳам хабардор эмасди. Вақт ўтиб, унинг аҳамияти ва қулайликлари англаб етилди.

Ҳамкорлик — омилкорлик

Бугунги кунда вилоятимизда 2 та ҳудудий келишув ҳамда 61 та жамоа шартномаси тузилган бўлиб, шартнома бандларининг бажарилиши синовчилик билан қузатиб боришмоқда. Бундан ташқари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда 2006-2010 йилларга мўлжалланган тадбирлар Дастури қабул қилинган бўлиб, асосий мақсад ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришга қаратилган.

«Ёшлар йили», «Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йили», «Баркамол авлод йили» Давлат дастурларида белгиланган вазифаларга «лаббай» деб жавоб берган ҳолда, ёш оилалардан 79 тасига қорхоналар ҳисобидан 2 миллион, касаба уюшма ҳисобидан 800 минг сўм маблағ ажратилди. Қумқўрғон туман маданият ва спорт ишлари бўлими касаба уюшма кўмитаси томонидан ўтказилган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» тадбири чоғида кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар фарзандига хатна тўйи ўтказиб берилди.

Сўзининг юқини ҳар дам ҳис этиб, қалам кучи

ни яхшиликларга етаклаган журналистларимиз манфаатини ҳимоялаб, «Халқ посбони», «Термиз оқшоми», «Аёл ва замон», «Сурхон тонги» газеталарида қабул қилинган жамоа шартномаси асосида рағбатлантириш мақсадида иш ҳақига қўшимча 634800 сўм, моддий ёрдам тариқасида эса 3808600 сўм маблағ ажратилди. Бундай миқдорларни яна қўллаб келтириш мумкин.

«Соғ танда — соғлом ақл» дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, соғлом бўлмаган одамнинг ишлагиси келмайди. Шунинг учун ходимлар соғлиғига доим эътибор қаратамыз. 2004-2010 йиллар оралиғида 9 млн. 413 минг 400 сўм маблағ ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга йўналтирилди. Вакилик томонидан беш йил мобайнида 157 донга йўланма олинди.

Бундан ташқари, 2006 йилнинг 19-20 август, 2008 йилда 23-24 август кунлари вилоят тармоқ спартакиадаси ўтказилди. Унда спортнинг беш тури бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда 480 нафар ходим иштирок этди. Жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан биргаликда ёшлар ва спорт фахрийларининг Бухоро, Самарқанд ва Шаҳриқабз каби тарихий шаҳарларга, пойтахтимизда қад кўтарган «Олимпия шон-шўхрати» музейига саёҳатлари уюштирилди.

Ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш — давримизнинг муҳим талабларидан бири. Бу талабни ҳис этган ҳолда масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда туман ва шаҳарларда ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида қатнашиб келмоқдамиз. Жумладан, Термиз санъат коллежининг 2009 йилдаги 229 нафар битирувчисидан 158 нафар ишга жойлаштирилди. 2010 йилда эса 252 нафар битирувчининг барчаси билан уч томонлама: коллеж — ишлаб чиқариш қорхонаси — ота-оналар ўртасида шартномалар тузилди.

Шухрат САЪДУЛЛАЕВ, Марказий кенгашнинг Сурхондарё вилояти вакили

ХОДИМЛАРНИНГ ҲАМКОРИ ВА ТАЯНЧИ

Қашқадарё вилояти



Йиллар оша, довлонлар оша

Ўтган йиллар касабани уюшмалари учун изланиш, янги жамият қураётган ижтимоий кучлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги шароитда янги иш услубларини ҳаётга татбиқ этиш даври бўлди.

Кейинги беш йил мобайнида вилоятда касабани уюшма аъзолари сони сезиларли ўсди. Нодавлат ташкилотларда ишловчи минглаб ходимлар касабани уюшмаларига жалб этилди. Кишиларни аъзоликка тортишда, энг аввало, унинг афзалликларини амалда кўрсатиш йўлидан борилапти.

Берилаяпти. Жамоа шартномаларига киритилган ижтимоий ҳимоя тадбирларига сарфланган маблағ 2005 йилда 24 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилга келиб 96 млрд. 138 млн. сўмга етди.

Бозор иқтисодиёти шароитида энг яхши ижтимоий ҳимоя, бу — аҳолини иш ўрни ва муносиб меҳнат шароити билан таъминлаш. Яхши иш жойига эга, мунтазам иш ҳақи олиб турган ходим ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлмайди. Касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармоқ кенгашида ишсизлар, иш ўринларига оид маълумотлар базаси шакллантирилди ва у доимий равишда тегишли факт ва рақамлар билан бойитиб борилаёпти.

Яна бир муҳим йўналиш, бу меҳнат муҳофазасидир. Кейинги беш йил ичида 12 минг 750 та корхона ва ташкилотдаги аҳвол ўрганилди. 82 мингдан ортиқ нуқсон аниқланиб,

да аҳволни ўрганиб, камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатди.

Фуқаролардан тушган 6655 та оғзаки ва ёзма мурожаат кўриб чиқилиб, уларнинг 6601 таси ижобий ҳал этилди. Ноқонуний ишдан бўшатишнинг 84 ҳолини ўз вазифасига қайта тикланди.

Саломатлик масаласи кун тартибидан тўғри келаётган. Ўтган ҳисобот даврида 10047 киши санаторийларда, 7 минг нафардан зиёд ишчи-ходим санаторий-профилакторийларда соғлигини тиклади. 168 нафар ногирон, уруш ва меҳнат фахрийлари бепул йўлланмалар билан таъминланди. Болалар оромгоҳларида 115832 нафар ўқувчи соғломлаштирилди. Ҳисобот даврида болаларни оромгоҳларга жалб этиш қарийб 10 минг нафарга ўсди.

Айни пайтда ҳукумат топширигига кўра, вилоятнинг баҳаво тоғли ҳудудларида янги оромгоҳлар барпо этиш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилмоқда. Унга мувофиқ, 2014 йилгача Шахрисабз ва Китоб туманларида 10 тадан, Яқкабоғда 5 та оромгоҳ барпо этиш режалаштирилган.

Аҳоли ўртасида спортга қизиқиш тобора ортиб бораёпти. Бирлашма тасарруфидаги «Насаф» стадиони комплексида барча қўлайликларга эга спорт зали мавжуд бўлиб, ёзулаб ёшлар шугулланаёпти. Ойиқ сузиш ҳавзасида машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда. Қарши шаҳри ва туманлардаги 350 дан ортиқ бошланғич жисмоний тарбия жамоаларида 12 мингдан зиёд киши спортнинг 18 тури бўйича машғулотлар олиб бораётди. Сунгги беш йил мобайнида спорт тадбирлари учун касабани уюшмалари бюджетидан 1 млрд. 607 млн. сўм миқдорига маблағ сарфланди.

Яна бир устувор вазифа, бу иқтидорли ёшлар ва малакали кадрларни тарбиялаш, шунингдек, Қашқадарё касабани уюшмалари мактабига асос солган ҳамда умрбоқий аъзоларни шакллантирган устозлар фаолиятини давом эттириш бўлиб, бу масалада ҳам ибрат олгулик бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ўз муҳбиримиз

Оталикдаги соҳа

Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Нодир Имомов берган маълумотларга кўра, вилоятда жорий йилнинг ярмигача 64849 бош қорамолни сунъий уруғлантиришга эришилган. Бу самарга Чироқчи тумани қай даражада ҳисса қўша олди?

Ҳорманг, чорвадор!

Туманда 30 та зооветеринария шохобчаси бўлиб, уларда июл ойига қадар 8568 бош мол сунъий уруғлантирилди, — таъкидлади туман ветеринария бўлими бошлиғи Мойли Хайдавлов. — Агротехнология мажмуи ҳамда таълим ва фан ходимлари касабани уюшма ташкилотлари олиб борган тарғибот-ташвиқот, жойларда ўтказилган семинарлар бесафар кетмаёпти.

2009 йилнинг март ойдан ўз фаолиятини бошлаган сунъий уруғлантиришга ихтисослашган «Раҳматиллаев» МЧЖ шохобчаларни тўлиқ таъминламоқда. Уруғлар сифатини замонавий асбоб-ускуналар билан текшириш йўлга қўйилган бўлиб, сунъий уруғлантириш борасида «Сайдullo бобо набираси Жамолдин» фермер хўжалигида ишлар яхши кетмоқда. Бир йил олдин Польшадан 15 бош зотли ситир келтирилган. Ҳозир улардан янги бузоқлар олинди. Бузоқлар оналарига қараганда иқлимга тезроқ мослашишди.

«Зотдор молнинг уруғини жайдари, маҳаллий ситирга қўйса, бузоқ унинг қорнида катталашиб, туғилиши қийинлашади», деган фикрлар ҳам юрибди. Бу гапда қанчалик жон бор? — сўраймиз сунъий уруғлантиришга ихтисослаш-

ган «Раҳматиллаев Асилбек Исматиллаевич» МЧЖ раиси Ойбек Дустовдан.

Ўтган йили фаолиятини бошлаган бўлса, сунъий уруғлантириш ситирларимиз бу йил бузоқли бўлишиди. Улар орасида, айтганингиздек, кичик гавдали жайдари моллар ҳам бор эди. Бироқ бузоқ катталашиб кетмасдан туғилди. Унинг асосий хусусияти шуки, туғилгунча она қорнига мос равишда катталашади, туғилгач эса маҳаллий бузоққа нисбатан тез улғаяди. Шунинг билан керакки, аввал ҳам туққан ситирларни сунъий уруғлантириш мақсадаги мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Чироқчида чорвачилик ривожланиш палласида. Ҳукумат қарорлари асосида ташкил этилган туман омухта ем, шрот ва шелуҳа етказиш бирлашмаси маъсулияти чекланган жамияти ҳам аҳоли ҳамда чорвадорларнинг оғирини енгил қилмоқда. Қишлоқ ва маҳалларда ем сотиш шохобчалари ташкил этилган. Келажакда ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Икки кундан сўнг набиранинг суннат тўйи. Бобо сифатида тўйга бош-қош бўлишим керак. Аммо вақтим зиқ. Эрта тонгдан пешинга қадар болаларни оромгоҳга жўнатиш билан овора бўлдим. Шундан кейин ҳам тўйхонага боролмадим, шанба кун бўлишига қарамасдан, ишхонада ишим ошиб-тошиб ётар, кўмагимга муҳтож икки киши мени кутарди.

Бундан ўн беш йил муқаддам жамоа ишонч билдириб, касабани уюшмаси этиб сайлаганди. Шу-шу ҳамкасбларимнинг дардига малҳам бўлишга, қорига ярашга ҳаракат қилаяман. Ҳар бир иш пухта режа асосида амалга оширилиб, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ходимларга манзилли ёрдам кўрсатиб келинапти.

Жорий йил бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сўлов йиғилишлари ўтказилиб, касабани уюшмалар сайланди. Янги етакчиларга тизим ҳақида нуқур маълумот бериш мақсадида семинар ташкил қил-

Фахр

диқ. Унда ўтган беш йилликда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.


Айтаман, ҳисобот даврида ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш бир мунча яхшиланди. Шунингдек, нодавлат ташкилотларда ишлайдиган ходимларни касабани уюшмасига тортиш борасида изчил фаолият юритилиб,

Етакчи минбари

«Сихат фидоси», «Табобат» хусусий шифохоналари, «Интер Осие дентал» фирмаси, «ООО Шифо плаз» хусусий сихатгоҳида бошланғич касабани уюшма қўмитаси тузилишига эришилди.

Саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ ташкил этилган «Тиббиёт музейи»ни бирлашмаимиз фахри десам бўлади. Ундан соҳамизда узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар суратлари ва улар босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида хикоя қилувчи маълумотлар ўрин олган.

Аҳмаджон АБДУСАМАДОВ, Китоб туман тиббиёт бирлашмаси касабани уюшма қўмитаси раиси



Ҳуқуқини билган ютқазмайди

Юртимизда касабани уюшмалари ходимларнинг яхши-ёмон қўлида кўмакчи бўлмоқда. 2009 йилда таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашига фуқаролар 87 та ёзма ва 205 та оғзаки мурожаат этишган. Ёзма мурожаатларнинг 83 таси қонуний асосда ижобий ҳал қилинди.

— Ўрганишлар натижасида 16 нафар ходим ишига тикланди, — дея маълумот берди вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси Ниёз Пардаев. — Ўн та ходим иш билан таъминланди. Тўққиз нафар ходимга дарс соатлари белгиланди. 18 ходимга иш ҳақи тўлаб берилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 115 та оғзаки, 37 та ёзма мурожаат тушди ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун асосида вилоят кенгаши аралашуви билан ҳал этилди. Жумладан, 15 та ариза бўйича 20 нафар ходим ишига тикланди, 10 нафари иш билан, 7 нафари дарс соатлари билан таъминланди.

Ўз муҳбиримиз

Жамоа шартномасига кўра

Тармоқ касабани уюшмаси вилоят кенгаши ва тармоқ ташкилотлари ўртасида 6 та, туман кенгашилари ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиғи бўлимлари ўртасида 13 та жамоа келишуви тузилган бўлиб, ўтган йил 8951 та корхона ва ташкилотда имзоланган жамоа шартномалари бандларнинг бажарилиши 99,4 фо-

изни ташкил этди. 2009 йилда иш ҳақидан қарздорликни камайтириш борасида изчил фаолият юритилди. Жумладан, 56 марта маъмуриятлар олдига талабномалар қўйилиб 73 млн. сўм, маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда банкларга қилинган 17 та мурожаатга кўра 32 млн сўм, суд ва прокуратурага киритилган

4 та даъво аризасига асосан 35 млн. сўм миқдорига тўланмаган маош ундирилди. Иш ҳақидан муддатли ўтган қарздорлик сунгги беш йил ичида 50 мартага камайтирилди. Ҳисобот даври тармоқ касабани уюшмаси вилоят кенгашида жами 845 та ёзма ва оғзаки мурожаат қайд этилди. Аризаларда иш ҳақи ўз вақ-

тида тўланмаётганлиги, бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлганлар нафақа ва товон пулларини ололмаётганликлари, ишдан ноқонуний бўшатиш каби талай масалалар қамраб олинган. Уларни ўрганиш жараёнида жами 109 та корхона, ташкилот ва хўжалик ходимларига амалий ёрдам кўрсатилди. Саъй-ҳаракатлар

Қонун ҳимоясида

натижаси ўлароқ, 17 нафар ходим ўз ишига қайта тикланди ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундирилди.

Амалдаги қонунларни тарғиб қилиш, мазмун-моҳиятини тушунтириш, улар билан ишлаш бўйича тармоқ тизимидаги ташкилотларда 51 та семинар ва суҳбатлар ташкил этилди.

Илҳом САБДАРОВ, Агротехнология мажмуи ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгаши раиси

Соғломлаштириш

Эртақлар шаҳарчаси

Оромгоҳимиз «эртақлар шаҳарчаси»га ўхшайди. Бу ерда болаликнинг бетақорроқ лаҳзалари кечмоқда. У вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфида бўлиб, Яқкабоғ туманининг сўлим ғўшаси — Қизилдарё бўйида жойлашган. Биринчи навбатда 629, иккинчисидан 603 нафар болақай мириқиб ҳордиқ чиқарган бўлса, учинчи мавсумда 425 нафар ўғил-қиз шуқуҳли кунларни ўтказаяпти.






Бир қатор тўғарақлар ишлаб турибди. Ўтказилаётган спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар барчага хуш ёқаяпти. Кутубхона турли мавзудаги китобларга бой. Тиббиёт шохобчасида малакали шифокорлар ҳамisha ёрдамга шай.

Орзу — келгусида оромгоҳ «эртақлар шаҳарчаси» мақомини янада баланд кўтарсин.

Қўзи РЎЗИЕВ, Мирзо Улуғбек номидаги болалар оромгоҳи раҳбари

Саҳифани «Ishonch» муҳбирлари Шарофат НОРҚУЛОВА ва Акмал АБДИЕВ тайёрлади.



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ



Уйимизда, уйимизда, тўйимизда шаклланади

Исрофдан сақланайлик ёки эл қалбидаги муддао

(Давоми. Боши 1-бетда) Кези келганда, шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, тўй баҳонаси билан қудалар ўртасида айирбошланадиган тоғоралар, саруло-сургулар каби ортиқча исрофгарчиликка чек қўйиш лозим.

Кейинги йилларда юртимизда фаолият кўрсатиб келаётган тўйхона ва кафеларда шодиёна тўйлар ва бошқа эҳсон маросимлари билан бир қаторда Рамазон ойида ифторлик маросимларини ҳам ўтказиш одат тусига айланмоқда.

Бинобарин, Аллоҳ таоло Аъроф сурасининг 31-оятда: «Еб-ичинглр, лекин исроф қилманглр!» — деган. Унинг бу буйруғига хилоф равишда одатга айланб бораётган мазкур тадбирларга ўз вақтида чек қўйиш учун Рамазон ойида ифторлик маросимларини исрофгарчиликка йўл қўймасдан, хонадонларда ўтказиш лозимлигини таъкидлаб қўймоқчимиз.

Азизлар, ортиқча бойлик-маблағингиз бўлса, эзгу манфаатли ва савобли иш қилай десангиз, аввало, фарзандларингизни, сўнг қавму қариндошлар ва маҳаллангизда қам таъминланган оилаларни, ёшларни билимли ва маърифатли бўлишларига сабабчи бўлинг ёки кўприк ва йўллар каби халқнинг эҳтиёжи тушадиган нарсаларга маблағларингиз билан ёрдам беринг.

Хисобини билмаган... Пулни мен топаман

Уша вақтларда маҳалла ишларига аралашиб юрардим. Бир кун фаоллар билан суҳбатлашиб ўтириб, ўзига ниҳоятда тўқ маҳалладошимнинг тўй ҳаракатида юрганини эшитиб қолдим. Қўпчилик билан маслаҳатлашиб «муборак бўлин»га кирдик.



Ўзини яқин тутиб юрадиган танишим бор. Эшик тақиллатиб қолди. Қўзларидан нимадир айтмоқчи бўлиб турибди-ю, андишага борибми, тилидан керакли ўша сўз чиқмапти.

Балки бу ҳақда гапириш эркак кишига ярашмас. Лекин рўзгор ва ҳаёт тақозосига кўра турли борди-келдилар, аёллар айтмоқчи, «бор товоғим — кел товоғим, бормасанг-келмасанг, ўртада син товоғим» деб аталмиш машмашаларга биз ҳам шерикмиз.

«Ташун»нинг уйдан ўша кунни, агар янглишмасам, 40 билан 50 нинг ўртасида тоғорасида қириб кетганиди.

Йўқлов

70 та тоғора! Мабодо кам эмасми?

Хотинга «намунча» дегандек қарасам, қўшни хонадонга имо қилди. Девор ортидан оғзи ботирғок бир аёлнинг овози эшитилди.

Мулоҳаза

«Ташун»нинг уйдан ўша кунни, агар янглишмасам, 40 билан 50 нинг ўртасида тоғорасида қириб кетганиди.

Ёш оилаларга ғамхўрлик

Оила — жамият пойдевори. Шу босис ҳам мамлакатимизда муқаддас бу қўрғонга эътибор катта. Ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш вазифа қилиб белгилаб қўйилган.

Саодатнинг севинчи

Президентимиз ташаббуси билан ёш оилаларни шакллантириш, уларнинг фаровон турмушини таъминлашга қўмаклашиш аниқланаётган.

Ҳиссақисидир. Касаба уюшма ташкилотлари ҳар бир оиланинг ҳолдан хабар олиш, уларнинг бекам куёт яшашлари учун шарт-шароит яратилиши назардан қочирмай келаётди.

Саодат Бухорова соҳада фаолият кўрсатиб келаётган ёшлардан бири. Ёш оила қорихона маъмурияти ва тармоқ касаба уюшмаси томонидан ғамхўрлик билан қўллаб-қувватланади.

Жамоат ташкилотининг ҳар бир бўғинида амалга оширилаётган ўнлаб аналитика ишлари оилаларни санаб ўтиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалари давлатнинг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватляпти.

Собир ЖАББОРОВ, Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг молия бўлими мудири

Турон яккакураши

Тарихдан маълумки, она заминимиздан қанчадан-қанча полвонлар, чавандозлар, бир сўз билан айтганда, моҳир спортчилар етишиб чиққан. «Гурўгли» ва «Алпомиш» каби достонларнинг чапдаст қаҳрамонларига гувоҳ бўлган бу замин.

Хорижда ҳам ривожланмоқда



Кўп йиллик изланишлар самараси ўлароқ, Ўзбекистонда яна бир миллий спорт турининг қондалари, шартлари ва талаблари яратилди. Шунингдек, ҳар қайси спорт турининг ўз номи бўлганидек, мазкур спорт турига Турон яккакураши деб ном берилди.

«Турон» сўзи қадимий манбалар асосида — чаққон, кучли, қўрқмас деган маъноларни билдиради. Шундан сўнг, амалий ҳаракатлар ҳам бошлаб юборилди. 1993 йили — Турон яккакураши мустақил спорт тури сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Хозирги кунда Турон яккакураши ўзига хослиги, интизом, келгуси меҳнат фаолиятига тайёрлик, ватанпарварлик, ўз юртига бўлган муҳаббат, полвонликка хос хислатларни уйғотиш имкониятлари билан қўллаб-қўвишни ўзига мафтун этиб келаяпти.

Утган йили Турон яккакураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада олтинта давлат вакиллари кураш олиб борди. Германия, Исроил, Россия, Тожикистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон спортчилари гиламга чиқиб, ўзларининг маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Турон яккакураш спорт тури 2007 йили Осиё ассоциацияси, 2010 йили эса Халқаро ассоциация рўйхатидан ўтди. Хозирги кунда у Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Германия, Исроил, Жанубий Корея ва Италия давлатларида жуда яхши ривожланиб бормоқда.



Publication details for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and editorial board members like Alla DOLJENKOVA and Anvar YUNUSOV.